



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Улуғларнинг тахаллусини олишдан олдин уларнинг меросини ҳам ўрганиш кераклигини унутманг

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.com

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 19-yanvar, seshanba, 7 (23.443)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг қарори

## “E-ijro aukcion” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сонли қарори ҳамда 2020 йил 7 февралдаги (02/1-2631-сон) топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида вилоят молия бош бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Самарқанд вилоят бошқармасининг тавсияларини инобатга олиб ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят молия бош бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Самарқанд вилоят бошқармасининг тавсияларини инобатга олиб “E-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

вилоят қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси (Ф.Худайкулов) билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Н.Мардонов), Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (С.Махмараймов)га ер участкасига бўлган ҳуқуқ инвестициявий ва ижтимоий

мажбуриятлар билан сотилган тақдирда, ушбу инвестицион мажбуриятларнинг бажарилиши мониторингини олиб бериш вазифалари юклатилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги матбуот котиби – ахборот хизмати раҳбари (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 25 февралдаги “E-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида”ги 28-қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ж.Ўроқов, А.Шукуров, О.Ҳоджаев, Б.Нуруллаев зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Вилоят ҳокими

Э.ТУРДИМОВ

2021 йил 16 январь

№ 5-Қ-сон

(Қарор иловаси 2-саҳифада).

## Олис ҳудудлардаги бўш иш ўринлари ҳақида расмий веб-сайтларда маълумот берилди

Бу Самарқанд вилояти ҳокимининг 2021 йил 16 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги “Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4940-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарорида белгиланди.

Унга қўра, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов), вилоят бандлик бош бошқармаси (И.Жабборов) ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига:

- олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида олиқ маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бўлган эҳтиёж бўйича бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар расмий веб-сайтларда жойлаштириб бориш;

- жойларда олиқ таълим муассасалари битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиб, уларни чекка ҳудудларда жойлашган, олиқ маълумотли кадрларга эҳтиёж мажуд бўлган бюджет ташкилотларига ишга жалб этиш, шунингдек, ёш мутахассисларга фаолият юритиш учун зарур шарт-шароит яратиб чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббиёт муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олиқ маълумотли мутахассисларга ва (ёки) тиббиёт ходимларига тегишли ҳудудлардаги захира ерлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкалари ажратилди.



## Самарқанд тиббиёти тарихида илк бор: Юзлаб йўқотишларнинг олди олинади!

Самарқанд тарихида илк бор юрак операцияси ўтказилмоқда. Яқиндан бошлаб йўлга қўйилган бу амалиёт осон кечгани йўқ. Таҳлиллар, ўрганишлар, муаммо ечими дастурга киритилишига қадар бўлган жараён, бюджетдан маблағ ажратилиши, вилоят раҳбаридан тортиб, соҳа мутасаддиларининг сай-ҳаракатларига барчаси мужассам.

Вилоят кардиология диспансерига ўтган йилнинг сўнгига бўлиб ўтган йирик ўзгаришлар, янгилар ҳақида хабар бергандик. Ушбу ўзгаришлар фақат юракда операция ўтказиш эмас, балки юрак билан боғлиқ турли хасталикларни даволашга ҳам боғлиқ.

### Ўлим кўрсаткичи 63 фоиз... ЭДИ!

Кейинги йилларда юрак қон-томир хасталиклари нафақат мамлакат, балки дунё миқёсида ошиб бораётгани сир эмас. Ўтган йиллар давомида операцияни ўтказиш учун

аҳолининг қанча қисми пойтахтга, чўнтаги кўтарилганлар хоригга боришга мажбур бўларди. Умуман, юракни даволаш ҳар доим, ҳамма учун ҳам осон кечмаган. Келинг, ушбу кўламини янаям яхшироқ ифодалаш учун баъзи рақамларга мурожаат қилсак.

2018 йилда Самарқанд вилояти бўйича аҳоли орасида юрак қон-томир тизими касалликлари 210 мингдан зиёдни (касалликларнинг 8,2 фоизи) ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 226 мингдан ошди (8,5 фоиз). Ушбу хасталик билан бирламчи касал-

ланиш 2018 йилда 56 минг бўлса, 2019 йилда 8,9 фоизга ошган. Юрак қон-томир хасталиклари оқибатидаги ўлим кўрсаткичи умумий ўлимнинг 63 фоизини ташкил этади ва бу кўрсаткич охириги 3 йилда 4,9 фоизга ошган. 50 минг нафар бемор юрак ишемик касаллиги билан диспансер назоратида олинган. Уларнинг 8 мингдан ортиғи юқори технологияли замонавий жарроҳлик даволаш усулларида муҳтож. Ҳар йили 100 дан ортиқ бемор ўткир миокард инфарктини ўтказиш, ўлим кўрсаткичи 10 фоизни ташкил қилади. Биринчи суткада коронароангиография ва терости коронар даволаш усуллари қўлланилиши, ҳаёт сифатини кўтаришга олиб келади.

2-саҳифа >>>

2020 йил бутун дунё халқлари, жумладан, бизнинг мамлакатимиз аҳолиси учун ҳам синовли йил бўлди. Коронавирус пендемияси сабабли турли ҳолатлар бошимиздан кечди.

## Беҳбудий авлодлари миннатдор бўлди

Лекин бу йилнинг ҳам ўзига яраша эсда қоларли, унутилмас воқеалари кўп бўлдики, бундан миннатдор бўлишимиз керак. Жумладан, биз – Маҳмудхўжа Беҳбудий авлодлари учун 2020 йил тарихий аҳамиятли йил бўлиб қолди. Шу йилда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буюк маърифатпарвар бобомиз, жадидлик ҳаракатининг етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.

Бобомизнинг халқ ва миллат учун ҳаракатлари, элли маърифатга чорлаб амалга оширган ишлари эътироф этилди, муносиб қадрланди.

Президентимизнинг алоҳида эътиборлари туфайли пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида бобомиз ҳайкали ўрнатилди. Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги стипендия таъсис этилди. Самарқанд шаҳрида бобомиз яшаган ва фаолият кўрсатган хонадон уй-музейга айлантирилмоқда.

Бобомиз ҳаётини маърифатга бағишлади, бир умр шу мақсад билан яшади. Халқни турли маърака-маросимлардан воз кечиб, фарзандларини ўқитишга чорлади. Уларга тил ўргатиш, замонавий илмлардан сабоқ беришни эртанги ёруғ келажак билан боғлади. Газета-журнал нашр этиб, халқни уйғонишга чорлади. Театр ибратхонадир, деган даъват билан илмсизлик қандай оқибатларга олиб келишини “Падаркуш”да кўрсатиб берди.

Афсуски, ўша даврнинг ўнлаб ҳурфирк кишилари, жадидлар қатори бобомиз ҳам тузум қурбони бўлди. Аммо у кишининг асарлари, мақолалари ҳамма давр ва



замонларда ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотмай, халқни маърифатга бошлаб келмоқда.

Ўтган йил Ўқитувчи ва мурабийлар куни арафасида Президентимиз фармони билан жадидчилик ҳаракати намояндалари қаторида бобомиз – Маҳмудхўжа Беҳбудий Ватанимизнинг юксак мукофоти – “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. 2020 йил 28 декабрь куни Кўксарой қароргоҳида ўтказилган тантанали маросимда ушбу мукофотни муҳтарам Президентимиз қўлларидан қабул қилиб олдим.

Уша чоғдаги ҳаяжон ва фخرни сўз билан ифодалашим қийин. Ахир шунча йиллар ўтиб, бобомиз фарзандларини ўқитишга чорлади. Уларга тил ўргатиш, замонавий илмлардан сабоқ беришни эртанги ёруғ келажак билан боғлади. Газета-журнал нашр этиб, халқни уйғонишга чорлади. Театр ибратхонадир, деган даъват билан илмсизлик қандай оқибатларга олиб келишини “Падаркуш”да кўрсатиб берди.

Афсуски, ўша даврнинг ўнлаб ҳурфирк кишилари, жадидлар қатори бобомиз ҳам тузум қурбони бўлди. Аммо у кишининг асарлари, мақолалари ҳамма давр ва

Шоҳруҳ БЕҲБУДИЙ,  
Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг  
эвараси.

## Вилоят судига раис тайинланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармойишига қўра:

Ҳайитов Олим Бўриевич – беш йил муддатга Самарқанд вилояти судининг раиси лавозимига тайинланди.

О.Ҳайитов тайинловга қадар жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси лавозимида ишлаган.



## Энг кўп оилавий корхона Самарқандда

Вилоятимизда рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра 7 145 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 579 тага ёки 56,5 фоизга ошди.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 6 756 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 445 тага ёки 56,7 фоизга кўпдир.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 2 677 та янги оилавий корхоналар ташкил этилган.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

## “Save Aral” Самарқандда

Самарқанд шаҳрида спорт туризмининг ривожлантириш мақсадида “Янги нафас” спорт ва ижтимоий ҳаракати доирасида “Save Aral” югуриш марафони бўлиб ўтди.

Мусобақада 2003-2004 йилларда туғилган ўғил-қизлар ҳамда талабалар, спорт мактаблари тарбияланувчи ва тренерлари, корхона ва ташкилотларнинг 18 ёшдан катта ходимлари иштирок этди.

Бир ярим мингга яқин иштирокчи Амир Темир мақбараси олдида югуриш бошлади ва 3 километр масофани босиб ўтди.

– Мазкур мусобақа республикамизнинг 19 та шаҳрида ўтказилади, – дейди Ўзбекистон энгил атлетика федерацияси бўлим бошлиғи, мусобақа бош ҳаками Ҳасанбой Ортиқов. – Ўтган йилнинг ноябрь ойида Андижон шаҳрида старт олган марафон водий бўйлаб бир қатор шаҳарлардан ўтиб, азим Самарқандга етиб келди. Мусобақада қатнашиш ихтиёрий бўлгани сабабли самарқандликлар қаторида олдинги босқич гоилблари ҳам иштирок этди. Марафон апрель ойида Мўйноқда финал босқичи



билан якунланади. Мақсадимиз бутун республикамиз ахлини Орolni сақлаб қолишга ўз хиссаларини қўшишга чорлашдан иборат.

Беллашувнинг якуний 2003-2004 йилларда туғилганлар баҳсида Жавоҳир Мамадқуллов ва Мадинабону Тўланова биринчи ўринни эгаллади. 18 ёшдан катталар баҳсида Марказий ҳарбий округ ҳарбий хизматчиси Илҳом Назаровга тенг келадигани топилмади. Хотин-қизлар беллашувида эса Мухайёбону Азаматова шохсупанинг энг юқорисидан жой олди.

Ҳусан ФАЗЛИДДИНОВ.

## Бир жумлада...

Ўзбекистонга АҚШ ва Германия компанияси ишлаб чиқарган вакциналардан 100 минг дона келтирилади.

Жорий йилнинг 20 январидан “Uzbekistan Airways” компанияси “Тошкент – Душанбе – Тошкент” йўналишида мунтазам авиақатновларни амалга оширишни бошлайди.

2020 йилнинг 15 декабридан жорий йил 15 январьгача эълон қилинган “Туризм ойлиги” доирасида Самарқанд вилоятига шаҳар ва туманлардан 42 400 нафар, республиканинг бошқа ҳудудларидан 60 100 нафар саёҳатчи келди.

Вилоят ҳокимлигининг бу галги тадбиркорлик қабулига 21 та мурожаат тушиб, қабулгача 17 та масала ҳал этилди.

Самарқанд шаҳрининг Нарпай кўчасида қад рўстлаётган Family Park юнгилочар маркази 43 минг квадрат метр майдонни эгаллайди.

Самарқандда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази, вилоят халқ таълими бошқармаси ва “Nova” психология маркази ҳамкорлигида туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари психологик-педагогик ташхис шўъбаларининг етакчи мутахассислари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Пайариқ тумани Челақ шаҳарчасида замонавий, барча қулайликларга эга иккита 12 қаватли, иккита 14 қаватли ва битта 16 қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

Каттақўрғон тумани аҳолисига кўрсатилаётган транспорт хизматини янада яхшилаш мақсадида тадбиркор Зафаржон Бозоров томонидан “Кадан-Тошкент” йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 январдаги № 5-Қ-сон қарорига

И Л О В А

**“E-ijro aukcion” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати**

№	Худуд номи	Бўш - ер участкаси майдони (га)	Ер участкаси-дан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати (сўмда)
1	2	3	4
1	Самарқанд шаҳар	0,01 гектардан кўп бўлмаган	2 147 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	3 822 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	5 860 000
2	Каттақўрғон шаҳар	0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	6 083 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	2 114 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	3 657 000
3	Оқдарё тумани	0,05 гектардан 0,1 гектаргача	5 530 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	5 753 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 982 000
4	Булунғур тумани	0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 997 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	4 210 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 433 000
5	Жомбой тумани	0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 982 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 997 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	4 210 000
6	Иштихон тумани	0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 433 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 949 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 832 000
7	Каттақўрғон тумани	0,05 гектардан 0,1 гектаргача	3 880 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 103 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 949 000
8	Қўшработ тумани	0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 832 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	3 880 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 103 000
9	Нарпай тумани	0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 982 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 997 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	4 210 000
10	Пайариқ тумани	0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 433 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 982 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 997 000
11	Паст Дарғом тумани	0,05 гектардан 0,1 гектаргача	4 210 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 433 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 949 000
12	Пахтачи тумани	0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 832 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	3 880 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 103 000
13	Самарқанд тумани	0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 982 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 997 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	4 210 000
14	Нуробод тумани	0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 433 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 949 000
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 832 000
15	Тойлоқ тумани	0,05 гектардан 0,1 гектаргача	3 880 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 103 000
		0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 982 000
16	Ургут тумани	0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 997 000
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	4 210 000
		0,1 гектар ёки ундан кўп бўлганда	4 433 000

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6121-сонли фармониغا асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашилари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида (юридик ва жисмоний шахсларнинг) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғини ставкасига 0,5 дан 2,0 гача қайта тузатиш ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш кўзда тутилган.

Вилоят бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларига 1 га учун базавий солиқ ставкаси 33,0 миллион сўм белгиланган. (Асос: Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 135/20-сонли қарори).

«Munosabat»

**Davlatimiz rahbarining “Yoshlar forumi”da soʻzlagan nutqi va Oliy Majlisga Murojaatnomasida yosh avlodning jismonan, maʼnan sogʻlom, vatanparvar farzand boʻlib ulgʻayishi uchun barcha kuch va imkoniyatlar safarbar etilishi taʼkidlandi.**

**Ishonchni oqlashimiz shart**

2021-yilga “Yoshlarni qoʻllab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”, deb nom berilishi esa biz, yoshlar qalbiga quvonch bagʻishladi. Shu bilan birga zimmamizga katta masʼuliyat yukladi.

Yangi yilda oldimizga ulkan maqsadlarni qoʻyib ishga kirishdik. Yilni yoshlarni qiyinab kelayotgan muammolarni oʻrganishdan boshladik. Jumladan, 8-11-yanvar kunlari Prezident Murojaatnomasi hamda forumda belgilab berilgan vazifalar yuzasidan yosh avlod tarbiyasiga masʼul oʻrta boʻgʻin rahbarlarining faoliyati natijadorligini oshirish, yoshlar bilan toʻgʻridan-toʻgʻri muloqot oʻrnatish maqsadida hududlarda tashkiliy tadbirlar oʻtkazildi. Bu borada amalga oshirilayotgan ishlar tanqidiy oʻrganildi. Sayyor qabullar oʻtkazildi.

Xususan, viloyatning barcha tuman va shaharlarida oʻtkazilgan uchrashuvlarda 2 mingdan ziyod yigit-yigit ishtirok etdi. Muloqotlar davomida 448 ta taklif va muammo oʻrtaga tashlanib, shu paytga qadar 318 tasining ijrosi toʻliq taʼminlandi.



Asosiy muammolardan biri – yoshlarning ishsizligi. Masalaga yechim topish uchun yoshlarni ishbilarmonlikka jalb qilish zarur. Shuning uchun har bir mahallaga tijorat banklari xodimlari biriktirilib, yigit-qizlarning biznes tashabbuslarini qoʻllab-quvvatlash va ularni tadbirkorlikka oʻqitishning mahallabay tizimi joriy etildi.

2021-yil davomida yoshlarning bandligini taʼminlash va tadbirkorlikni qoʻllab-quvvatlash masalasi eʼtiborimiz markazida boʻladi. “Manzilli reja”ga asosan yil yakuniga qadar 28 ming 451 nafar yigit-qiz ish bilan taʼminlanishi rejalashtirilgan.

**Husan TOʻXTAYEV,**  
Yoshlar ishlari agentligi viloyat boshqarmasi boshligʻi.

**Самарқанд тиббиёти тарихида илк бор: Юзлаб йўқотишларнинг олди олинади!**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

**АНГИОГРАФ, ИВЛ, КАРДИОМОНИТОРЛАР, ДЕФИБРИЛЛЯТОР...**

Айнан шу даволаш усуллари учун зарур бўлган тиббиёт ускуналари келтирилиши баробарида уни ишлата оладиган мутахассисларнинг ҳам жалб этилиши, янги бино қурилиши беморларнинг тўлиқ даволашида муҳим омил саналади.

Табийки, ушбу соҳада барча янгилик маблағ билан боғлиқ, – дейди вилоят кардиология диспансери бош шифокори Мақсуд Саидов. – Вилоятда юрак қон-томир тизими касалликлари кўпайишининг олдини олиш мақсадида инвестиция дастури асосида 11,6 миллиард сўм ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан 300 миллион сўм ажратилиб, қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди.

Натижада мазкур диспансер 100 қатновли поликлиника ва 220 ўринли барча кулайликларга эга бўлган стационар даволаш марказига айлантирилди. Бунинг натижасида 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Марказда аҳоли учун энг зарур бўлган ангиография ва эндоваскуляр хирургия ҳамда кардиохирургия бўлимлари ишга туширилди.

Эндилликда мазкур марказда коронарография, юрак ритмининг мураккаб бузилишини жарроҳлик йўли билан тиклаш ҳамда очик юрак жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши йўлга қўйилди.

Шу кунга қадар марказда 20 га яқин операция муваффақиятли амалга оширилди. Бундан ташқари, мазкур марказ кейинги икки ой давомида сунъий юрак қон айлантириш, ангиограф, ИВЛ, кардиомониторлар, дефибриллятор, ультра товушли текширув ва рентген каби замонавий аппаратлар ҳамда энг сўнгги компьютер техникалари билан таъминланди. Хорижда малака оширган кардиолог, эндоваскуляр хирург, аритмолог, перфузиолог, кардиореаниматолог, қон-томир хирург каби мутахассислардан иборат 8 нафар шифокор ишга қабул қилинди.

**БЕМОРНИНГ ОЁГИ АСРАБ ҚОЛИНДИ!**

Мақола тайёрлаш мақсадида шифохонага борганимизда бу ерда Москвадан келган шифокор иштирокида мураккаб операция амалга оширилаётган экан.

Айни пайтда диспансерда тиббиёт фанлари доктори, Москва шаҳридаги 15-клиникада бўлим бошлиғи бўлиб фаолият юритаётган Шухрат Жўракулов томонидан қандли диабет билан оғирган беморларда уч-райдиган диабетик товон номли хасталикни даволаш бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилмоқда, – дейди кардиожарроҳ Икром Маллаев. – Ушбу жарроҳлик ҳам



Самарқандда илк бор амалга оширилаётган бўлиб, инсон оёғини ампутация қилинишидан сақлаб қолади. Яхши биласиз, қандли диабет хасталигига чалиниб, у билан узок йиллар яшаб келган беморларнинг баъзиларида оёқ томирларида муаммолар пайдо бўлади ва кейинчалик уларни ампутация қилишга тўғри келарди. Ушбу жарроҳлик беморнинг оёқларини, кези келганда ҳаётини асраб қолишига имкон беради.

Танамизда қон томирлари етиб бормаган аъзо йўқ. Шунинг учун эндиликда қон томирлари хасталиклари билан боғлиқ жарроҳлик амалиётларини ҳам йўлга қўямиз. Москвада фаолият юритувчи шифокорлар ушбу жарроҳликларни амалга ошириш баробарида диспансер шифокорларига маҳорат машғулоти ҳам ўтмоқда.

**ЭНГ ЁШ ЖАРРОҲ ХАМ ШУ ЕРДА**

Дарвоқе, ушбу жарроҳлик амалиётини бажариш учун зарур бўлган барча шaroит яратилган, ускуналар келтирилган. Кардиожарроҳ Икром Маллаев билан бирга Москвада амалиёт, тажриба ортириб келган 7 нафар мутахассис операцияларда қатнашмоқда. Вилоятда энг ёш жарроҳлардан бири, 27 ёшли Илхом Ҳамидов ҳам шу кунларда юрак ритми бузилиши билан боғлиқ операцияни муваффақиятли амалга оширди.

Самарқанд тарихида илк бор, шундай мураккаб тиббий амалиётни амалга ошираётган шифокорлар журналистларга интервью беришда шунчалик ҳаяжонланишдики, айниқса, микрофон қаршида гапиришдан кескин бош тортишди.

«Жарроҳлик бўлса, ҳар қандай вазиятда тайёرمиз, ammo микрофонга гапириш...» дея бош чайқаб қўйишди бу қаҳрамонлар. Юзлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишга бел боғлаган, Москвада аниқ иш жойларидан воз кечиб, юртдошларимизга кўмак берамиз, дея келган бу шифокорлар ҳақиқатан ҳам қаҳрамонларга менгагулик.



**Гулруш МҶМИНОВА,**  
Хусан ЭЛТОЕВ (фото),  
«Зарафшон» мухбирлари.



Паст Дарғом туманида ўтган йили фаолиятини бошлаган «Самарқанд Камалат инвест текстил» масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 14,8 миллион доллар бўлган ип-калага ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Корхона йилга 5,5 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш қувватига эга, экспорт ҳажми 6 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида тумандаги 300 нафардан ортиқ аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Бахтиёр МУСТАНОВ**  
олган сурат.

**6761 ҳолатда давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари бузилгани аниқланди**

«Таҳлил»

**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Бу ғоя шунчаки баландарвоз гап эмаслигини бугун ҳар биримиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Тўғри, ҳали ҳам баъзи давлат органлари, давлат хизматчилари фаолиятида айрим сансоларлик ва ўзибўларчилик, эскича иш услуби ва дунёқараш кузатилмоқда. Аммо, энди бундай ҳолатга ҳеч ким бефарқ қараб турмайди – тегишли идоралар, қолаверса, халқимизнинг ўзи уларга муносиб баҳо беради. Очик, шаффоф фаолият юритиш, халққа хизмат қилиш талаб этилади.**


Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг жойлардаги Давлат хизматлари марказлари айнан юқоридаги ғоя асосида халқимизга хизмат кўрсатмоқда. Дастлаб ташкил этилган вақтда жисмоний ва юридик шахсларга 30 турдаги давлат хизматларини кўрсатган марказларда бугунга келиб хизматлар сони 150 га яқинлашди. Ортиқча қоғозбозлик, вақт ва маблағ йўқотилишига чек қўйилди.

– Бугунги кунда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида давлат хизматлари марказлари учун замонавий ва инновацион бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди, – дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи М.Қурбонов. – Шунингдек, Президентнинг 2020 йилнинг 31 январда қабул қилинган “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида туман, шаҳар марказларидан олис ҳудудларда Давлат хизматлари марказларининг шохобча (филиал)лари ташкил этилди. Шу пайтгача вилоятимизнинг 6 ҳудудга, яъни Қўшра-

бот туманининг Жонбулоқ, Нуробод туманининг Саҳоба, Паст Дарғомнинг Олти қаҳрамон, Самарқанд туманидаги Қайнама, Каттақўрғон шаҳрининг Ингичка ҳамда Ургут туманидаги Жаргана массивларида шундай филиаллар фаолияти йўлга қўйилди. Йил давомида марказларимиз ва уларнинг филиаллари орқали 662 мингга яқин давлат хизматлари кўрсатилди. Хусусан, 24747 та тadbirkorлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бугунги кунда Давлат хизматлари марказлари ходимлари фуқароларга фақат ўз иш жойларида эмас, олис ва чекка ҳудудларда ҳам бўлиб, сайёр (мобил) хизмат кўрсатиб келмоқда. Биргина 2020 йил давомида ходимларимиз ҳудудларда 9900 дан ортиқ давлат хизмати кўрсатди.

Мазлумотларга кўра, бошқарманинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши устидан назорат қилиш бўлими томонидан ўтказилган мониторинг натижасида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида 7702 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Бундан ташқари, 2020 йилда 6 та ваколатли органнинг жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрса-



тиш соҳасидаги фаолияти ўрганилиб, 19 тасининг фаолияти мониторинг қилинди.

Ўтказилган текширишлар, мониторинглар ва Давлат хизматлари марказлари орқали юборилган электрон махсус хабарларни ўрганиш натижалари бўйича ваколатли органлар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида 7702 та қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, 6761 та ҳолатда давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари бузилган, 185 та ҳолатда тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатилган, 67 та ҳолатда ортиқча ҳужжат талаб қилинган, 148 ҳолатда мувожаатлар асосиз рад этилган. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича ваколатли идораларнинг раҳбарлари номига 74 та тақдирнома ва 382 та огоҳномалар киритилди. Шунингдек, 425 нафар айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка ва 74 нафари интизомий жавобгарликка тортилди.

**Ғ.ҲАШАНОВ.**

**Айтишларича, Тошкент ҳавоси булганган шаҳарлар ичида етакчи ўринларда турар эмиш. Қуриган Орол ўрнидан ҳар йил кўтарилаётган юз минг тонна чанг-тўзон ҳам бугун ер юзининг энг чекка нуқта-ларига етиб борди.**

жойга чиқинди ташлашга уяласан. Ўзимизда тоғдек "ястаниб" турган чиқинди устига "Яна бироз ташласак ташлабмизда", деб кўлидаги чиқинди пакетни улоқтириб кетаверишади.  
Мен ўша суҳбатдан кейин бир нарс ҳақида кўп ўйлайман: Туркия, Сингапур, Германия, Англия кўчаларининг тоза-озодлигини мақтаймиз, ҳавас қиламиз-у бунга

# БАХТЛИ ШАҲАРЛАР

## қандай бунёд бўлади?

Мен яқинда Туркияда кўп йил ишлаган бир танишим билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдим. Унинг айтишича, Туркия шаҳарлари тоза-озода, обод. Бунинг сабаби уларда уй-жойларга эгаллик тизимининг бошқачалиги экан. Аниқроғи, у ерда кўп қаватли биноларнинг аксарияти битта тadbиркор томонидан сотиб олинган. Тadbиркор ўз уйига келтирилган фойдани ошириш учун уйнинг тaши кўринишидан бошлаб, зинапоярлар-у эшик, ҳовли, теваарак-атрофни обод қилишга ҳаракат қилар экан. Бутун шаҳар ана шундай йирик тadbиркорлар томонидан бўлиб олинган, улардан ҳар бири ўзига тегишли мавзе, даҳа, кўп қаватли уй атрофлари, кўчалар - кўйингки, бутун шаҳарларини обод қилишга интилади.  
- Туркияда одамлар кўчага чиқинди ташлашадими, - деб сўрайман суҳбатдошимдан.  
- Ташлашади, лекин тadbиркорлар ҳамма ерга фаррош белгилаб кўйишган. Тез-тез тозалаб туришади. Очиғи, тоза-озода, гўзал

улар қандай эришганлари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз.  
Хўш, бизда ҳам Туркия ёки Германия мамлакатлари қонунчилигини жорий қилишга нима ҳалақат беради?  
Менимча, бизнинг, айниқса, ўрта ва кекса авлоднинг дунёқароши коммунистик мафкурадан бутунлай озод бўлгани йўқ. Бир хиллиқни, тенгликни ҳали ижтимоий адолат мезони деб ҳисобловчилар орамызда кўп. Баъзиларнинг фикрича, уй-жойларнинг тadbиркорлик объектига айлантирилиши уй-жой эгалари томонидан халқни эзишга сабаб бўлар эмиш! Бундайлар тadbиркорларнинг улар ҳисобидан бойишни асло ҳазм қила олмайдилар. Афсуски, бундай фикрлайдиганлар оз эмас. Шунинг учун ҳам бизда шаҳарларда чиқиндилар ташлангани, айрим жойларда тўпланиб қолаётганини кўриб, "Бизда одамларнинг экологик маданияти паст-да", деймиз...  
**Абдурахим МАМАНОВ,  
СамДУ тадқиқотчиси.**

# Илмда шуҳрат топган олим

**Шу йилнинг 21 январь куни Самарқанд давлат тиббиёт институтида академик Ислам Зокиров таваллудининг 95 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. Онлайн конференцияда МДХ мамлакатларининг етакчи акушер-гинеколог олимлари иштирок этиши кутилмоқда.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ислам Зокиров ноёб қобилият соҳиби, забардаст олим эди. У 1928 йил 21 январда Самарқанд шаҳрида дунёга келди.  
1943 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, институти имтиёзли диплом билан битирди. И.Зокировнинг иш фаолияти ҳам шу даргоҳ билан боғлиқ. У акушерлик ва гинекология кафедраси клиник ординатуралигидан кафедра мудирлигигача бўлган вазифаларда самарали меҳнат қилди. Клиник ординатура-ни тамомлаб, 1951 йилда кафедра ассистенти лавозимига сайланди. 1953 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 25 ёшида доцент илмий унвонини олди.  
1959 йилдан умрининг охи-

ригача институтнинг даволаш факультети акушерлик ва гинекология кафедраси мудир лавозимида ишлади. Шу йилларда аҳоли ўртасида кенг тарқалган вирусли гепатит (Боткин) касаллиги оналар ва болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири эди. Ёш олим ўзининг илмий изланишларини Боткин касаллигининг ҳомилдорлик, туғруқ, ҳомила ва чақалоқларга таъсирини ўрганишга қаратди.  
У 1959 йилда собиқ иттифоқда биринчи бўлиб Самарқанд шаҳар акушер-гинекологлари илмий жамиятининг раиси, "Ўзбекистон медицина журналы" тахририяти аъзоси эди. 1986 йилда халқаро акушер-гинекологлар федерацияси, 1988 йилдан Европа акушер-гинекологлар ассоциацияси аъзоллигига сайланди.  
1995 йил июнь ойида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Бу ишонч унинг медицина фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, акушерлик ва гине-

И.Зокиров 300 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи эди. Унинг илмий ишлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам чоп этилди. Илмий фаолиятида 60 дан ортиқ фан номзоди ва 8 нафар фан доктори тайёрлаб, акушер-гинекологлар илмий мактабига асос солди.  
Ислам Зокировнинг илмий, педагогик, врачлик фаолияти унинг собиқ Бутуниттифоқ акушер-гинекологлари илмий жамияти раиси ўринбосари, медицина фанлар академияси Президиуми илмий кенгаши аъзоси, Соғлиқни сақлаш вазирилиги маслаҳат кенгаши аъзоллигига сайланишига асос бўлиб хизмат қилди. У Ўзбекистон акушер-гинекологлари илмий жамиятининг раиси, "Ўзбекистон медицина журналы" тахририяти аъзоси эди. 1986 йилда халқаро акушер-гинекологлар федерацияси, 1988 йилдан Европа акушер-гинекологлар ассоциацияси аъзоллигига сайланди.  
1995 йил июнь ойида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Бу ишонч унинг медицина фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, акушерлик ва гине-



кология илмий мактаби ташкил-чиси ва раҳбари сифатида амалга оширган ишларининг натижасига берилган баҳо эди.  
Ислам Зокиров 1997 йилда Самарқандда "Умумий амалиёт врач ахборотномаси" илмий-амалий журналин таъсис этди.  
Устоз ибратли оила бошлиғи сифатида умр йўлдоши, педагог Нубуват ая билан 7 нафар қизни тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг ҳаммаси шифокорлик касбини танлади.  
Ислам Зокиров меҳнатсевар, қатъиятли, ҳақгўй инсон эди. Устознинг порлоқ хотираси қалбимизда мангу яшайди.  
**Ахшнор АЛЛАЁРОВ,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти доценти.**

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

### ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**Самарқанд вилояти туризмин ривожлантириш департаменти Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улугбек расадхонаси ва Амир Темуր мақбараси атрофида туризм автобекатлари ташкил этиш учун танлов эълон қилади.**

Бекатлар учун алоҳида ер майдони ажратилмади. Жумладан, Мирзо Улугбек расадхонаси яқинида 350 кв.м., Амир Темур мақбараси атрофида 650 кв.м. автотурагоҳ ташкил этилади. Туристик бекатлар белгиланган тартибда мунтазам равишда ишлаши лозим.

**Бекатларда қуйидаги хизматлар мавжуд бўлиши керак:**

- фуқаролар ва сайёҳларнинг мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- аҳоли ва меҳмонларга қулайлик учун станцияни банкматлар билан таъминлаш;
- бепул Wi-Fi хизмати;
- ногиронлар учун шароитлар (пандус);
- бекатда кузатув камераларининг мавжудлиги.

**Танловни баҳолаш мезонлари:**

- ташкил этилган йўналишлар сони;
- транспортлар сони ва сифати;
- ташкил этилган маршрутларнинг нархи.

Мазкур бекатлар ва кўрсатилмадиган хизматларни ташкил этиш учун Самарқанд вилояти туризмин ривожлантириш департаменти билан 10 йиллик битим тузилади.

**Танлов 2021 йил 30 январьга давом этади.**  
Қўшимча маълумотлар учун **93-357-79-77** телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ.**

## "SAMARQAND MULK MARKAZI"

**масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Ёпиқ аукцион савдосига Самарқанд вилояти ИИБга қарашли, Самарқанд шаҳри Курчатов кўчаси, 102-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техник носоз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:**

- 1) А/м. "Дамас".** 2004 й. и/ч., д/б. 30 087 VSF, т/н. Б.б. - 10 267 000 сўм;
- 2) А/м. "Дамас".** 1996 й. и/ч., д/б. 30 379 VSF, т/н. Б.б. - 9 256 000 сўм;
- 3) А/м. "Дамас".** 2000 й. и/ч., д/б. 30 395 VSF, т/н. Б.б. 9 256 000 сўм;
- 4) А/м. "Опель Вектра".** 1994 й. и/ч., д/б. 30 013 VSF, т/н. Б.б. - 6 752 000 сўм;
- 5) А/м. "Опель Вектра".** 1994 й. и/ч., д/б. 30 293 VSF, т/н. Б.б. - 7 360 000 сўм;
- 6) А/м. "Опель Омега".** 2001 й. и/ч., д/б. 30 894 VSF, т/н. Б.б. - 6 305 000 сўм;
- 7) А/м. "ВАЗ-2101".** 1985 й. и/ч., д/б. 30 208 VSF, т/н. Б.б. - 1 344 000 сўм;
- 8) А/м. "ВАЗ-2101".** 1987 й. и/ч., д/б. 30 327 VSF, т/н. Б.б. - 1 344 000 сўм;
- 9) А/м. "ВАЗ-2105".** 1980 й. и/ч., д/б. 30 255 VSF, т/н. Б.б. - 2 099 000 сўм;
- 10) А/м. "ВАЗ-2105".** 1992 й. и/ч., д/б. 30 289 VSF, т/н. Б.б. - 2 390 000 сўм;
- 11) А/м. "ВАЗ-2106".** 1989 й. и/ч., д/б. 30 018 VSF, т/н. Б.б. - 1 203 000 сўм;
- 12) А/м. "ВАЗ-2106".** 1991 й. и/ч., д/б. 30 074 VSF, т/н. Б.б. - 1 540 000 сўм;
- 13) А/м. "ВАЗ-2106".** 1996 й. и/ч., д/б. 30 221 JAA, т/н. Б.б. 2 078 000 сўм;
- 14) А/м. "ВАЗ-2106".** 1991 й. и/ч., д/б. 30 243 VSF, т/н. Б.б. - 1 820 000 сўм;
- 15) А/м. "ВАЗ-2106".** 1996 й. и/ч., д/б. 30 288 VSF, т/н. Б.б. - 2 129 000 сўм;
- 16) А/м. "ВАЗ-2106".** 1999 й. и/ч., д/б. 30 374 VSF, т/н. Б.б. - 1 547 000 сўм;
- 17) А/м. "ВАЗ-2106".** 1991 й. и/ч., д/б. 30 561 VSF, т/н. Б.б. - 1 487 000 сўм;
- 18) А/м. "ВАЗ-2108".** 1999 й. и/ч., д/б. 30 273 VSF, т/н. Б.б. - 2 978 000 сўм;
- 19) А/м. "ВАЗ-2110".** 1998 й. и/ч., д/б. 30 240 VSF, т/н. Б.б. - 7 042 000 сўм;
- 20) А/м. "ВАЗ-2121".** 1986 й. и/ч., д/б. 30 217 JAA, т/н. Б.б. - 3 442 000 сўм;
- 21) А/м. "ВАЗ-2121".** 1989 й. и/ч., д/б. 30 294 VSF, т/н. Б.б. - 3 520 000 сўм;
- 22) А/м. "ВАЗ-2121".** 1989 й. и/ч., д/б. 30 355 VSF, т/н. Б.б. - 3 442 000 сўм;
- 23) А/м. "УАЗ-3151201".** 1988 й. и/ч., д/б. 30 354 VSF, т/н. Б.б. - 5 491 000 сўм;
- 24) А/м. "УАЗ-3151201".** 1991 й. и/ч., д/б. 30 368 VSF, т/н. Б.б. - 2 478 000 сўм;
- 25) А/м. "Отайўл-359".** 2002 й. и/ч., д/б. 30 334 VSF, т/н. Б.б. - 20 845 000 сўм.

Ёпиқ аукцион савдоси **2021 йилнинг 8 февраль куни соат 11:00** да бўлиб ўтади. Ёпиқ аукцион савдосига Самарқанд вилояти ИИБ туман (шаҳар) тизимида ишловчи ходимлардан аризалар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишининг охириг муддати: 2021 йил 5 февраль куни соат 16:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади.

**Талабгорлар диққатига!**  
Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2021 йил 8 февралдаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрор

рий ёпиқ аукцион савдолари 2021 йил 15, 22 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий ёпиқ аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Самарқанд вилояти ИИБ туман (шаҳар) тизимида ишловчи талабгор жисмоний шахслар паспорт нусхаси, иш жойидан берилган маълумотнома, хизмат гувоҳномаси, закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов хабарномасини тақдим этиши шарт. Закалат пулини автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат келишуви шартномасига асосан, "Samarqand mulk markazi" МЧЖнинг АТ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Х/р: 20208000804942465001. МФО: 00262. СТИР: 302129857.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кошгарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13. Гувоҳнома № 05496.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 2 октябрда 766580 реестр рақами билан рўйхатга олинган «ТЕМУРБЕКЛАР O'QUV MARKAZI» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «ТЕМУРБЕКЛАР O'QUV MARKAZI» ХК) корхона ягона таъсисчисининг 2021 йил 18 январдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомда қабул қилинади.

**Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Али Қўшчи кўчаси, 21-«А»-уй.**

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306752832.

\*\*\*

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 17 декабрда 922404 реестр рақами билан рўйхатга олинган «INTERNET RESHENIYA» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «INTERNET RESHENIYA» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2021 йил 18 январдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомда қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Фарход кўргони, Жамбул кўчаси, 1-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 3079972044.

\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги «XURSHEDA MED FARM» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 204172657) тугатилиб, «XURSHEDA NASIMOVA» масъулияти чекланган жамиятига (СТИР: 202115750) бирлаштирилмоқда. «XURSHEDA NASIMOVA» масъулияти чекланган жамияти «XURSHEDA MED FARM» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва

мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомда қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темуր кўчаси, 55-уй. Телефон: 66-233-48-69.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бахриев Улугбек Насриддинович нотариал идорасида марҳум Маматкулов Джамолдин Джалоловичга (2018 йил 12 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахриев Улугбек Насриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Кимёгарлар кўргони, Умид кўчаси, 2-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Набиев Якубали Косимовичга (2008 йил 17 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Саматов Шадикул Абдухалиловичга (2017 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

\*\*\*

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Оролов Сайдулла Шодмоновичга (2018 йил

14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Багирова Малика Қурбоновнага (2020 йил 12 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.**

\*\*\*

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳасанов Аловиддин Ғиёсидин ўғли нотариал идорасида марҳум Бегматов Раҳмонкул Жўракуловичга (2020 йил 8 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳасанов Аловиддин Ғиёсидин ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси, 64-уй.**

\*\*\*

Тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Амридинов Шаҳзод Обидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

\*\*\*

Кўшработ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2018 йилда Ваҳобов Абдор Фахриддин ўғли номига берилган К № 5114797 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд кишлоқ ҳўжалик институти қошидаги 2-сон академик лицейдан 2017 йилда Ҳакимов Аҳмаджон Раҳматилло ўғли номига берилган рўйхат рақами 90 Л № 303703 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Ургут иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Бобомуродов Шердор Шаҳриёр ўғли номига берилган К № 4289966 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Акбаров Бобир Бахтиёрович номига берилган У № 5878393 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Кўшрабод туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабидан 2016 йилда Муртозаев Абдумажид Воҳид ўғли номига берилган У № 7441055 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Кўшрабод туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Каршиева Нигора Раҳимкуловна номига берилган О'Р-А № 1467683 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш

институтидан 2013 йилда Пулатов Машхур Хуршедович номига берилган рўйхат рақами 152, В № 698072 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд туманидаги 20-ўрта мактабдан 1981 йилда Бадалова Фотима Муродовна номига берилган В № 628900 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан Ақобирова Зебиға қарашли Самарқанд тумани Мотрид кишлоғида (ҳозирда Самарқанд шаҳри Мотрид маҳалласида) жойлашган ҳовли-жой учун 2008 йил 17 январда берилган 4728 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Зияев Улугбек ва Зияев Джафарга қарашли Самарқанд шаҳри Низомий кўчаси, 17-уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Паст Даргом туманидаги 110-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Юзбаев Умрқо Абдухашимович номига берилган О' R-SH № 0618406 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Иштихон туманидаги 65-ўрта мактабдан 1996 йилда Жамолов Илхом Камилевич номига берилган UZA № 019736 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-сон академик лицейдан 2012 йилда Маматмусаев Отабек Уктамович номига берилган Л № 0143315 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистоннинг озодлиги учун кураш тарихида унутилмас саҳифаларни муҳрлаган аждодларимиздан бири, миллат карвонбошиси, улуг маърифатпарвар, бетакрор салоҳият соҳибидир. Серқирра алломанинг миллий матбуот тараққиётига қўшган ҳиссаси эса тарихий аҳамиятга эга.

# МИЛЛИЙ МАТБУОТ ФИДОЙИСИ

Маҳмудхўжа Бехбудий ноширлиги ва муҳаррирлигида чоп этилган "Самарқанд" газетасининг ўз давридаги аҳамияти ҳақида Абдулла Авлоний "Эзу ва ҳаққини кўзи очишга боис бўлди", дея баҳолаган.

"Самарқанд" газетаси ва "Ойна" журнали таъсис этилгунга қадар, яъни 1906 йилдан 1907 йилгача чоп қилинган "Тараққий", "Хуршид", "Шухрат" каби газеталарнинг ёпилиш сабаблари бугун кўпчиликлари маълум. Улар фаолиятини чор ҳукумати тақиқлаган.

Тилга олинган газеталар тўхтатилгач, 1908 йилдан бошлаб биз жаҳидларнинг мақолалари оқпошмо сийёсати тарғиботчиси "Туркистон вилоятининг газети"да кўпайганини кузатамиз. Мустақиллашчилар газети муҳаррири маҳаллий зиёлиларнинг "нодуруст" мақолаларига турли сўзбошию сўнгсўзлар билан жой ажрата бошлади. Лекин у ҳам кўпга бормасди. Бехбудийнинг "Таърих ва жуғрофия" ("Туркистон вилоятининг газети", 1908 йил 30 ноябрь) мақоласи миссионерлар "бағрикенг"лигига нукта қўйди. Мазкур мақолада Бехбудий юртимизнинг қандай сабабларга кўра ўзга давлат мустақиллигига айланб қолганлигини ҳар томонлама таҳлил қилади. Мақола чоп этилгач, унинг муаллифига маломат тошлари отила бошлади.

Четдан қараганда ўта айёр миссионер Н.Остроумов мақолага ёзган сўзбошида Бехбудий фикрларининг "зарарли" нукталарини "очиб" бергандек кўринади. Лекин "Таърих ва жуғрофия" барибир шов-шувга сабаб бўлгач, чор "Охранка"си уни таржима қилиб, муаллифга ҳам, муҳаррирга нисбатан ҳам чора кўради. Натига шулки, Бехбудий изоҳ талаб қилмайдиган ўша мақоласига "Тавзеҳ" ("Туркистон вилоятининг газети", 1908 йил 18 декабрь), яъни изоҳ ёзади.

"Русиянинг ким ва қандайлигини билмайдурган надонлардан эмасмиз ва

аммо "Таърих ва жуғрофия" унвонлик мақоламиз таърих ва жуғрофия ўқу-моқни диний жилва этдурмоқ ва ёинки сарф илмий ва воқеий бир мақола эди. Сиёсий ва таассубий эмас".

Шундан сўнг "некий Бегбуди" махсус хизмат ходимларининг назоратига тушади, "пантуркист"лар рўйхатига киритилади. Халқ зиёлилари орасида унга нисбатан ҳурмат кучаяди. Бехбудийнинг ўзи эса хусусий газета очиш ҳаракатини бошлайди. У бу йўлда беш йиллик қоғозбозлиги сарсонгарчиликларга дучор бўлади.

Бу ҳақда Садриддин Айний "1908нчи йилдан ўз идорасинда бирон газета чиқармоқ фикрига тушуб, 1913нчи йил апрель ойида бу мақсадиға етишуб "Самарқанд" газетасининг бир неча рақамини чиқаришга муваффақ бўлгон", деб ёзади. Архивдаги маълумотлар ҳам бу фикрларни исботлайди. Шу ўринда ёзилган аризаларда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг имзолари сақланганлигини таъкидлаш жоиз.

Абдулла Авлонийнинг фикрига келсак, дарҳақиқат, "Самарқанд" ўзидан аввал чиққан нашрлардан фарқ қилади. Бунда Бехбудийнинг матбуот соҳасидаги тўплаган тажрибалари кўл келган.

Газетанинг ўзгачалигига биринчи далил шуки, бу кунгача ҳеч бир нашр уч тилда чиққан эмас. Ўз даврининг тараққийпарвари ва донишманди бўлган Бехбудий газетани фақатгина ўзбек тилида чиқариб, форсча сўзлашадиган халқларни ҳам эътибордан четда қолдира олмасди. Ношир ва муҳаррир "Самарқанд"нинг 36-сонидаги мақоласида газетани нега уч тилда чоп этаётганини



шундай изоҳлаган: "Самарқанд" жарида-си ўзбеки, форсий ва русий тилларида ва Туркистоннинг ўрта шеvasинда таъсис этилиб туриб эди. Мундан мақсад шул эдики, Бахри Ҳазардан бошлаб жанубдаги Афғонистон фасили, Аму нахри ўртасиндаки васеъ аросига сокин турк ва тожик биродарларимизга бир қадар тоқат хидмат этмак ва аларни ҳолиға ва ижобати асия, вақоийъ замонияда ва Руссия култури, илми, хунари ва саноатға ошино бўлишлариға ожизона ташвиқ этмоқдин иборат эди. Мактаб бўлсун, мадраса бўлсун, ислоҳ ва тараққийсига ёрдам учун халқни давъат этмоқ эди. Фосид урф ва ботил расмларни, ёмон одатларни шаръан ислоҳига кўшиш этмоқ эди" (Маҳмудхўжа Бехбудий. На учун илтифот этмайдурил // "Самарқанд" газетаси, 1913 йил 16 август).

Муҳаррир истилоҳи Навоий асарлари луғатида "ёзувчи, тахрир қилувчи" маъносини бериши таъкидланади. Бироқ ХХ аср бошига келиб муҳаррир фақат ёзиб, тахрир қиладиган эмас, балки тахрирдан ўтган хабар ва мақолаларнинг газетата берилишини бошқарадиган, муаллиф жалб этадиган, шунингдек, яна бир қанча вазибаларни бажарадиган масъул шахс даражасига чиққанди. Маҳмудхўжа Бехбудий эса Шарқу Фарб тушунчасидаги муҳаррирнинг вазифасини бемалол бажара оладиган инсон эди. Айниқса, ўзининг қаламига мансуб мақолаларда муҳаррир нуктаи назари билан қараб, қисқа ва лўнда шаклда ёзганлигини кўрамыз. "Таҳсил оий", "Миллатлар қандай тараққий этарлар?", "Эҳтиёжи миллат" каби кўпгина мақолалари фикримизга далилди.

"Самарқанд"да Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Ҳожи Муин сингари яна кўплаб замонасининг етук маърифатпарварлари ўз ижодлари билан иштирок этишган.

Нашр нимаси билан ва қайси йўналишларда элу халқнинг кўзини очди? Газетата мустақиллик исканжасида туриб бўлса-да, миллат болаларини ўқитиб,

«19 январь - Маҳмудхўжа Бехбудий таваллуд топган кун»

ўзлигини танитиб, маърифат воситаси-ла озодликка эришиш гоёси тарғиб этилди. Бу йўлда газета жамоаси барча турдаги ахборий, таҳлилий, бадиий, ҳажвий материаллари билан маърифат нурини тарқатиб турди.

"Самарқанд" газетасининг илк сони биринчи саҳифаси Регистоннинг виқорли сурати билан (ўша даврда тахририятга қанчалик қимматга тушмасин) безатилади: "Кимлигимизни билишни истасангиз биз қурган иморатларга қаранг!" Фахрлиниш билан бирга, буюк бобокалонимиз Амир Темур барпо этган қудратли давлат нега шу аҳволга тушиб қолганлигининг туб моҳиятини таҳлил қилиб чиқди. "Самарқанд" газетасининг 45 та сони дунё юзини кўради.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзбек миллий газетачилигининг шаклланиши ва ривожланишида ўз ҳиссасини қўшган жонкуяр илк ношир ва муҳаррирлардан биридир. Миллий ўзига хослиги эса Фарб газетачилигидаги фақат шов-шувли хабар ва мақолалардан фарқли ўлароқ ибрат вазифасини ўтайдиган фикр ва мақолалар, улар ифодалаган гоёлардадир.

"Ойна" халқни уйғотиш... учун яхшигина хидмат этди" (Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий/"Учкун", 1923 йил, 1-сон), деган эътироф Бехбудийнинг шогирди Ҳожи Муинга мансуб. Абдулла Авлоний эса «бу журнал "Ойна" чиққунча чиққон журналларнинг энг биринчи ва яхшиси эди», дея баҳо беради. Эътибор берган бўлсангиз, Туркистонда журнал чоп этиш тажрибасини ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий бошлаб берган.

Жарида ва мажаллалар миллатни тараққий эттирувчи башарият ихтиросидур, деган эди у.

Авалло, журналини очиш учун ҳам газетата рухсат олиш каби беш йил югур-югур, қоғозбозлик қилмаган бўлса-да, муайян тўсиқларга дуч келди. Тўплаган тажрибалари натижасида мустақиллик тилида ҳам чоп этилишини таъкидлаб ариза ёзди (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш).

Бироқ газетадан фарқли ўлароқ, журнал матбаа корхонасига топширилишдан икки кун олдин чоп этишга тай-

ёрланган материалларни ҳарбий цензурага келтириб, ўқитиб, рухсат олиш муҳаррир зиммасига юкланади. Бунинг қоғоздаги кўриниши юқорида таъкидланган архив ҳужжатларида сақланмоқда. Эҳтиёт чоралари шу даражада кўрилган бўлса-да, "ТВГ" журналда чоп этилган фикрларга қарши чиқишларни кўпайтиради. "Ойна"да ҳам бу газетата чиқишларга эътирозлар бериб борилди. Масалан, "ТВГ"да мустақиллашчилар томонидан маҳаллий халқ "сартлар" деб аталиши ва миссионер Н.Остроумов асосларига эътироз билдирилган "Сарт сўзи мажҳулдир" ("Ойна" журнали, 1914 йил 22, 23, 24, 26-сонлар) мақоласи фикримизга далилди.

"Ойна" журналида босилган материаллар мавзу мундарижасига кўра мактаб ва таълим ислоҳига, тил, одоб-ахлоқ масаласи, дин мавзуси, авом орасида тарқалган ва таназзулга элтадиган тўйлардаги исрофгарчилик, ароқхўрлик каби иллатлар, халқаро ангилликларга бағишланган публицистик асарларга ажратишимиз мумкин.

Журнал саҳифалари давринг янгича яшашга иштиёқманд, озодлик орзусида зиёлилар учун фикр айтиш майдонига айланади. Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Саидрузиқ Ализода, Тавалло, Сиддиқий-Ажзий, Ҳожи Муин, Маҳмуд Тарзий, Садриддин Айний сингари кўплаб ижодкорлар қаламлари шу нашрда сайқал топди.

Журналнинг доврўғи етти иккимга етмаган бўлса-да, уни Россия ва яқин шарқ давлатлари мусулмонлари мутолаа қилишгани тўғрисида маълумот бизгача етиб келган. "Ойна" Туркистондан бошқа Тотористон, Кофқоз, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Мисргача тарқалар ва ҳар ерда суйиб ўқилур эди" (Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи // "Зарафшон" газетаси, 1923 йил 23 июнь).

Бехбудийнинг машхур саёҳатномаси ҳам айнан "Ойна" журналининг бир неча сонларида чоп этилган. Унинг "Икки эмас, тўрт тил лозим" сарлавҳали мақоласи "Ойна" саҳифаларида мангуга муҳрланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги "Зарафшон" газетасининг дастлабки кўриниши "Самарқанд" ва "Ойна" нашрлари жаҳолат сабаб ўзгаларга поймол бўлган халқни миллатга айлантириш йўлида хизмат қилди ва улар Ўзбекистон журналистикаси тарихида ўз ўрнига эгадир.

Ҳалим САИДОВ, филология фанлари номзоди, доцент.



## Мустақиллик йиллари Самарқандда

1992 йил, июль

Руминия ташқи ишлар вазири Андриан Нэстасе бошчилигидаги дипломатлар савдо-саноат доиралари билан танишиш мақсадида Самарқандда бўлди.

август

Самарқанд шаҳрида 25 мингдан зиёд ўсмирларга хизмат кўрсатадиган поликлиника иш бошлади.

Жанубий Кореядаги йирик ДЭУ корпорацияси раиси Ким У-Жун Ислоом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Вилоятимиз давлат қабул пунктлариға 76 минг тонна сара дон еказиб берди. Бу белгиланган режадагидан 27 минг тонна кўп.

Тойлоқ тумани Самарқанд тумани таркибидан ажралиб чиқди.

сентябрь

Паст Дарғом туманида Самарқанддаги "8 Март" тикувчилик бирлашмасининг филиали очилди ва 700 нафар хотин-қиз ишга жойлашди.

Пайариқда консерва цехи ишга тушди. Унда бир йилда 700 тонна сабзавот, 300 тонна мева қайта ишланиб, бир миллион шартли банка консерва тайёрланади.

Самарқандда "Дўстлик" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси барпо этилди.

октябрь

Финляндия Президенти Мауно Койвисте рафиқаси билан Ислоом Каримов ҳамроҳлигида Самарқанд қадамжоларини кўздан кечирди.

ноябрь

Вилоятимиз пахта хирмони 200 минг тоннадан ошди.

Самарқанддаги "Гелион" заводида кичик телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

# Ёшига ярашиб яшаган одам

журналист Адҳам Ҳайитовни эслаб

Адҳам ака бир умр, 49 йил бир жойда "Зарафшон" тахририятида ишлади. Газетачиликнинг барча босқичини ўтади: мусахҳих, таржимон, муҳбир, катта муҳбир, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, мураббий муҳбир бўлди. Вилоят ёшлар ташкилотининг лауреатлигини қўлга киритди. "Йилнинг энг фаол журналисти" деб эътироф этилди, "Шухрат" медалли олди.



тарди. Бундан ташқари, арзимаган мақоласи билан ходимлар асабига тегадиган ўжар муаллифларга ҳам Адҳам ака кўрқмасдан танбех бериб, инсофга чақирарди.

А.Ҳайитов менга устозларни, тахририятда ишлаб, пенсияга чиққан ҳамкасбларимизни, умуман таниқли зиёлиларни йўқлаб туришни ўргатди. Газетачилик тарихи бўйича бой материал тўплади. Матбуот тарихи, "Зарафшон" газетаси юбилейлариға бағишланган гулдасталарини чоп этишда бизга катта ёрдам берди. Матбуот тарихининг жонли қоруси эди.

Адҳам аканинг оиласи ҳам ибратга муносиб. Нарпайлик Зарбуви муаллим билан уч ўғилни воёга етказди.

Адҳам Ҳайитов агар ҳаёт бўлганида 70 ёшга тўларди. Минг афсуски, ўтган йил у даврэмизни тарк этди. Аммо у 49 йиллик заҳматли меҳнати билан тахририятда, газета тарихида ўзига муносиб из қолдирди.

Фармон ТОШЕВ.

## Устоз ўғитлари

Агар мақсадимга етаман десанг, уч нарсадан йироқ бўл: ўғирлик, сотқинлик, хиёнат.

Агар бирон ишни аъло даражада бажараман десанг, уч шартга риоя қил: шошмасдан гапир, шовилмасдан юр, шошмасдан овқат тановул қил.

Агар дунёда номим қолсин десанг: илм-у хунари бўл, солиҳ фарзанд тарбия қил, шогирд тайёрла.

Ньютон дарахт остида ётганида бошига олма тушгандан кейин олам тортишиш қонунини яратганидек, ҳар бир инсон бошига ташвиш тушгандина ўз тақдири ҳақида қайғурга бошлайди.

Абдуманнон АБДУРАҲИМОВ, факрий алоқачи.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

20 ЯНВАРЬ

Хуршид ДАВРОН - 1952 йилда Самарқанд туманидаги Чордара қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири. "Дўстлик" ордени соҳиб.

21 ЯНВАРЬ

Шухрат АБДУМАЛИКОВ - 1970 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Театр рассоми. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби.



МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 860 нускада чоп этилди. Бюджетта 42

Газета ҳафтаинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, Бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56 БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ. Навбатчи: Г.МҲИМОНОВА. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотува нархи келишилган ҳолда

